



## ПАРАФРАЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

*Шодиев Санъат Эргашевич,*

*Самарқанд давлат чет тиллар институти катта ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** *парафраза, синтагма, прагматик сема, деривация, синтактик деривация, гап деривацияси, семантик оператор, нол оператор.*

Тилшуносликда сўзларнинг ўзаро муносабати масаласи тадқиқотчилар учун муҳим мавзулардан бири бўлиб, бугунги кунга қадар ўрганилмоқда. Шунга қарамадан парафраза структурасини ташкил этувчи сўзлар муносабати борасида изланишлар олиб бориш лозимлиги кўзга ташланмоқда.

Парафраза сўзи аслида грекча бўлиб (paraphrasis), у тилшуносликда «тасвирий ифода» маъносида қўлланилмоқда. Бу ҳақда А.Ҳожиёвнинг «Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати»да қуйидаги изоҳ келтирилган: «Нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, тасвирий усул билан маълум контекст, м.с. ситуациядаги характерли белги-хусусияти орқали ифодаладиган стилистик приём. Масалан, дала маликаси, (макка жўхори)» [Ҳожиёв А. – Тошкент, 1985, 67-б].

Ўзбек тилшунослигида парафраза хусусидаги илмий маълумот, асосан, М.Миртожиевнинг тадқиқотларида мукамалроқ берилганини кўрамиз. Олимнинг таъкидлашича: «Парафразалар маълум бўлаги ёки бўлаклари кўчма маънода бўлиб, улар маъноси синтездан ташкил топган, бир тушунчани билдирувчи луғавий бирликдир. ... Парафраза ҳолида мақом олган бирикмада, гарчи семантик қайта бўлиниш кечган бўлса ҳам, унда синтактик қайта бўлиниш кузатилмайди» [Миртожиев М.М., - Тошкент, 2000, 42-б].

Дарҳақиқат парафразалартилимиз луғат бойлигидатайёр ҳолда мавжуд бўлади ва шу боис уларни турғун сўз бирикмалари жумласига киритамиз: ақл гимнастикаси, само лочинлари, қанотли дўстлар, чарм кўлқоп устаси, мўйқалам соҳиби, илм ўчоғи ва ҳ.к.

Шуни ҳам айтиш лозимки, баъзи тилшунослар парафразаларни фразеологик ибора тарзида талкин этадилар. Профессор А.Н.Кожин, масалан,

«голубой экран» («зангори экран») парафразасини фразеологик ибора сифатида таҳлил қилади [Кожин А.Н. - Самарканд, 1970, 80-б]. Бизнингча, парафразалар соф турғун бирикмалар жумласига киради. Тўғри, уларда ўзига хос маъно мажозийлиги кузатилади. Бироқ, шундай бўлса ҳам, уларнинг умумий маъноси салмоғи компонентларининг маъноларидан келиб чиқади. Бироқ мазкур мажозийлик парафраза боғланаётган асл сўзга нисбатан аҳамият касб этади. Парафраза компонентлари эса ўз луғавий маъноларида қўлланилиб, маълум бир умумий маънони англатади. Қиёсланг:

Зангори экран – мажозий маъно – телевизор.

Зангори - ўз луғавий маъносида

Экрани зангори рангдаги предмет = умумий маъно.

Кўринадики, парафразаларда бир пайтнинг ўзида синтактик деривациянинг ҳам, семантик деривациянинг ҳам воқеланиши кузатилади. (Бу ҳақда ишимизнинг кейинги саҳифаларида кенгроқ фикр юритилади).

Парафразаларда денотат-сигнификат муносабати муҳим мавқе касб этади. Бунда, агар таъбир жоиз бўлса, бирламчи(асл) ва иккиламчи (нисбий) денотат тушунчаси вужудга келади. Фикр исботи учун қуйидаги мисолларга мурожаат этайлик:

1. Пешона тери эвазига яратган «оқ олтин»идек қалби тоза дехқонларга топганингиз тўйга буюрсин деймиз («Qishloq haqiqati»).



2. Анча тўлишиб қолган мохи тобон ҳали замон жамолини кўрсатса керак (Ҳ.Ғулом. Қорадарё).

3. У киши руҳининг инженерлари даврасида номи тилга олинидан ғоят мамнун ва бахтиёр кўринади, менинг тасаввуримда (Н.Сафаров. Оловли излар).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида **оқ олтин** парафразаси қатнашиб, унда **олтин** сўзи нисбий, ёки бошқача айтганда, иккиламчи характерли денотат вазифасини бажармоқда. Унинг нисбийлиги шундаки, бу ўринда **олтин** сўзи орқали бирламчи денотат, яъни асл денотат **пахта** тушунчаси алмаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, **олтин** сўзига мажозий маъно бериб, парафраза ёки бошқача айтганда, тасвирий ифоданинг воқеланишига олиб келмоқда.

Берилган мисолларнинг иккинчисида **мохи тобон** парафразаси қўлланилганини кўрамиз. Айни пайтда парафраза шаклланиши тиллараро трансформация қоидаси доирасида рўй бермоқда. Зотан, форс-тожик тилида мох сўзи **ой** маъносини беради, **мохи тобон** бирикмаси эса **мунаввар ой** тушунчасини ифодалямоқда.

Кўринадики, парафраза таркибидаги биринчи сўз нисбий (иккиламчи) денотат мавқеида келиб, асл денотат **ой** сўзини алмаштирмоқда. Шунинг ҳам айтиш керакки, бирламчи (асл) денотатда мажозийлик маъноси бўлмайди, парафраза доирасидаги иккиламчи денотат эса аксарият ҳолларда бирламчи (асл) денотатга нисбатан мажозий маъно касб этади.

Учинчи мисолда **киши руҳининг инженери** парафразаси қатнашиб, унда иккиламчи характерли денотат бу ўринда **ёзувчи** маъносида келаятган бирламчи денотат билан боғланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, парафраза ўзи ўзи учун эмас, балки бирламчи денотат учун хизмат қилади ва умумий планда тасвирий ифода сифатида бирламчи (асл) денотатининг сигнификати вазифасини бажаради. Парафраза сатҳида

иккиламчи характерли денотат белгиланиши эса лингвистик таҳлил жараёнидагина аҳамият касб эта олади.

Парафраза икки ва ундан ортиқ компонентли бўлиши мумкин. Бироқ компонентлари сонидан қатъий назар, у синтагма қолипида келади. Синтагма эса ҳар қандай вазиятда ҳам аниқловчи-аниқланмиш муносабатини тақозо этувчи турғун бирикмани ташкил этади. Бироқ парафраза структурасини ташкил этаётган сўзлар таркиби турлича бўлиши мумкин: **само лочинлари, чарм қўлқоп устаси, зангори кема капитани.**

М.Миртожиев парафразалар маъноси бир тушунчага асосланса ҳам, уларда прагматик сема бўлиши шарт эканлигини тўғри таъкидлайди [Миртожиев М.М., -Тошкент, 2007, 185-6].

Дарҳақиқат, ҳар қандай парафразада ҳам прагматик сема мавжудлигини кузатамиз. Масалан, **қанотли дўстлар** ёки **зангори экран** парафразаларининг биринчисида нафақат қушлар ҳақида, балки уларнинг яхши фазилати – инсоннинг дўсти эканлиги, иккинчи мисолда эса фақат телевизор ҳақида эмас, балки унинг зангори ранг касб этган гўзаллиги хусусида ҳам маълумот берилаятганини кўрамиз. Бирламчи денотатларда эса бундай прагматик сема кузатилмайди.

Парафразалар, ўзининг асл денотатларидан фаркли равишда, ички семантик салмоғига кўра воқеликка муносабат ҳам билдиради:

1. **Ҳаёл денгизига чўмган Ойқизнинг тобора асабийлашаятгани сезилиб турарди** (Ш.Рашидов. Бўрондан кучли).

2. **Тарбия ўчоғи – мактабимизни севамиз.**

3. **Гулларни кўрдиму гул парвонаси асаларилар эсимга тушди** (Н.Сафаров. Оловли излар).

Айни пайтда биринчи мисолда берилаятган ҳаёл денгизи парафразасининг ички семантик салмоғида **Бу - ҳаёл денгизидир** тарзидаги, иккинчи мисолда



берилган **тарбия ўчоғи** парафразасининг ички семантик салмоғида эса структурасини **Бу-тарбия ўчоғидир**, учинчи мисолда эса **гул парвонаси** парафразасининг ички маъносида **Бу-гул парвонасидир**, деган маънолар яширинган. Бу, ўз навбатида, уларнинг яширин ҳолдаги предикативлик белгисига эга эканлигидан далолат беради. Предикативликнинг мазкур кўринишини лингвистик адабиётларда атомар предикат тушунчаси воситасида аташмоқда [Кубрякова Е.С. Автореф.-Тошкент, 2001, 11-13-б].

Парафразалар ўз асл денотатларидан фарқли ўлароқ, ҳар доим ҳосила структураларни тақозо этади. Уларнинг бу хусусияти, албатта, деривацион нуқтаи назардан баҳоланади.

Маълумки, парафразалар ўзига хос турғун сўз бирикмаларидир. Шундай бўлгач, улар тайёр ҳолдаги ҳосила (дериват) ларни ташкил этади. Бошқача айтганда, барча сўз бирикмаларида бўлганидек, парафразалар синтактик деривацияси гап деривацияси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган таянч структураларсиз воқеланади.

Парафразалар компонентларининг бири семантик жиҳатдан муҳим мавқега эга бўлади ва шу боис мазкур сўз иккиламчи денотат вазифасини бажаради. Бироқ деривацион нуқтаи назардан парафразанинг иккинчи компоненти устувор аҳамият касб этади. Зотан, унинг иштирокисиз дериват ясалмайди. Масалан:

**Малика** = иккиламчи денотат, семантик нуқтаи назардан ҳоким сўз.

**Дала** = деривацион нуқтаи назардан ўта нуфузли сўз, семантик жиҳатдан эса тобе сўз.

**Дала маликаси** = дериват (ҳосила).

**Деривацион оператори** = нинг+и.

Буни символлар воситасида қуйидагича ифодалаш мумкин:

**Нор** (нинг) **Хор**.(и)

Қиёсланг: гап деривацияси

**Мавлавий Муқимийга назар ташлади.**

**Назар ташлади** = туб структура.

**Мавлавий назар ташлади** – таянч структура.

**Мавлавий Муқимийга назар ташлади** = дериват (ҳосила) структура.

Буни символлар воситасида қуйидагича кўрсатиш мумкин:

**N** хор (-га) **V**

Кўринадики, парафраза синтактик деривацияси ўзининг тайёр ҳолдаги дериват(ҳосила) эканлиги билан гап деривациясидан тубдан фарқ қилади. Бошқа турғун бирикмаларда бўлганидек, парафразалар деривациясида туб ва таянч структура тушунчалари аҳамият касб этмайди.

Парафраза компонентлари, асосан аниқловчи-аниқланмиш муносабатида бўлгани учун унинг синтактик деривацияси оператори вазифасида қаратқич келишиги аффикси –нинг (-и эгалик қўшимчаси кўмағида) фаоллик кўрсатади. Мазкур аффикс қарийб барча ҳолатларда белгисиз келади: **ақл гимнастикаси, дала маликаси, чарм қўлқоп устаси, мўйқалам сохиби, ҳаво лочинлари, дунё томи** (Помир) ва ҳ.к.:

1. **Ҳаво лочинларимизга офарин, бомба ёғдириб немис мудофаасини талқон қилиб ташлади** (Н.Сафаров. Оловли излар).

2. **Прожекторчилар булутлар орасидан ҳаво «қароқчи»ларини излашарди** (Н.Сафаров. Оловли излар).

Берилган мисолларда парафразалар синтактик деривацияси операторининг биринчи қисми –**нинг** аффикси белгисиз келаётганини кўрамиз: **ҳаво(нинг)** лочинлари, **ҳаво(нинг)** қароқчилари ва ҳ.к. Лекин шундай бўлишига қарамай, у оператор вазифасини бажараверади, зотан, унинг иштирокисиз (белгисиз бўлса-да) мазкур қолипдаги сўз бирикмаси деривацияси биргина –**и** эгалик аффикси воситасида воқеланмайди. Бироқ парафразанинг компонентларидан бири образли аниқловчи (эпитет) тарзида



келганда, ёки метафорик маъно ифодасини берганда синтактик деривация оператори нол ифодали бўлади. Бундай операторни дериватологияда баъзан семантик оператор номи билан ҳам аташади:

1. **Май ойининг охири бўлса ҳам, лолақизғалдоқларнинг парча-парча қирмизи гиламлари яшнайд** (Х. Ғулом.Қорадарё).
2. **Ҳафиз Полвонов «Ўзбекистон» номли зангори кемада пахта теришда рекорд қўйди** (Х. Ғулом.Қорадарё).
3. **Пўлат қуш тумшугини чўза-чўза осмонга кўтарилди** (Н.Сафаров. Оловли излар).

Келтирилган мисолларда **қирмизи гиламлар, зангори кема, пўлат қуш** парафразалари қўлланилиб, уларнинг синтактик деривацияси нол операторга асосланмоқда. Бу ўринда операндлар муносабати семантик дистрибуция доирасида ўзаро боғланмоқда. Шунинг учун айтиш пайтда деривация оператори бирор морфологик восита орқали ифодаланмаган ва бунинг учун ҳеч қандай зарурат ҳам сезилмайди.

Шуни айтиш керакки, парафразалар турғун сўз бирикмасини тақозо этади ва шу боис компонентлари ўртасида синтактик муносабатнинг динамиклик характери даражаси ўта паст бўлишидан қатъи назар, уларда синтактик деривация қоида ва тамойиллари тўлиқ ўз ичида қолади. Бундай вазиятни, яъни компонентлари ўртасида синтактик алоқанинг сақланишини ҳатто фразеологик ибораларда ҳам кўрамыз. Чунки турғун бирикмаларнинг барчасида ҳам маъно яхлитлиги, унинг мажозийлиги семантик нуқтаи назардан аҳамият касб

этади. Бирикма компонентларининг синтактик муносабати масаласи эса турғун ҳолатдаги қурилмаларнинг, шу жумладан, парафразаларнинг ҳам семантик яхлитлиги ёки кўчма маъно касб этишига монелик қилмайди ва синтактик муносабат алоҳида деривацион тамойилларга асосланади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, парафразалар шаклланиши (фразеологик ибораларда бўлганидек) бир йўла синтактик деривация тушунчаси билан ҳам, семантик деривация тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлади. Бунинг асосий боиси парафраза структурасида бирламчи ва иккиламчи денотатлар ифодаси мавжудлигидадир. Масалан, **чарм қўлқоп устаси** парафразасини олиб кўрайлик. Мазкур бирикмада синтактик деривация белгисиз келаётган **–нинг** (қўлқопнинг) оператори воситасида воқеланмоқда ва бунда **уста** сўзи иккиламчи денотат вазифасини бажариб, бирламчи денотат **боксчи** тушунчасининг семантик ифодаси учун хизмат қилмоқда. Бошқача айтганда, бу ўринда нафақат синтактик, балки семантик деривация ҳам воқеланмоқда.

Бундай вазиятда семантик деривация нол ифодали операторга таянади. Чунки унинг воқеланиши учун реал оператор эмас, балки тилнинг ички муҳити муҳим аҳамият касб этади. Масалан, **чарм қўлқоп устаси** бирикмаси **боксчи** маъносининг тасвирий ифодаси эканлиги шу тилда сўзловчилар учун тилнинг ички муҳити орқали аёндыр.

Бизнингча, сўзларнинг ўзаро муносабати тилнинг ички муҳити билан боғлиқ ҳодиса эканлиги ва бунда парафразани ташкил этувчи сўзлар муносабати ташқи структура сифатида кўзга ташланади.

### Адабиётлар

1. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Тошкент, 1985, 67-бет.
2. Миртожияев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. –Тошкент, 2000, 42-бет.



3. Кожин А.Н. Слова-термины и термины-фразеологизмы // Вопросы фразеологии, 3.- Самарканд, 1970.-С.80.
4. М.М.Миртожиев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 2007, 185-б.
5. Кубрикова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности ва гапнинг предикативлик муносабати// Номзодлик дис. Афтореф.-Тошкент, 2001, 11-13-бетлар.

**Шодиев С. Парафразы и их деривационные особенности.** Статья посвящается таким лингвистическим понятиям, как парафраза, синтагма, прагматическая сема, деривация, синтаксическая деривация, деривация предложения, семантический оператор, нулевой оператор. Автор ставит цель дать определения этим понятиям и обращает внимание на их теоретическую и практическую значимость.

**Shodiyev S. Paraphrases and their derivational peculiarities.** This article is devoted to linguistic notions, such as: paraphrase, syntagma, pragmatic syntagma, derivation, syntactic derivation, derivation of a sentence, semantic operator, and zero operators. The author aims to show difference between these notions and pays attention to their theoretical and practical value.

---